Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1998 йил 31 октябрь шанба

Сотувда эркин нархда
№ 216 (1997)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ФАОЛЛАШАДИ

Мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилиш Ўзбекистон ва Бельгия «Бизнес-клуби»нинг бош мақсадидир. Унинг таъсис мажлиси Бельгия ташқи савдо идорасида бўлиб ўтди.

«Бизнес-клуб»нинг биринчи мажлисида Бельгия ташқи савдо идораси раҳбарлари, Бельгия ташқи савдо ишлари бўйича бош вазир муовини маҳкамаси вакиллари, Бельгия компаниялари раҳбарлари ҳамда Ўзбекистоннинг Брюсселдаги элчихонаси ходимлари иштирок этдилар. Тадбиркорларнинг янги ташкилоти мамлакатнинг барча минтақаларидаги ширкат ва компанияларни бирлаштиради.

«Бизнес-клуб» ташқи савдони мувофиқлаштириш ва кўмак бериш федерал давлат маҳкамаси ҳисобланган Бельгия ташқи савдо идораси доирасида фаолият кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йилнинг кузида Бельгияга қилган расмий ташрифи давомида давлатимиз раҳбарининг бельгиялик етакчи бизнесменлар билан учрашуви Ўзбекистон-Бельгия иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантиришга йўл очиб берган эди.

**«Жаҳон» АА**

## ҚАРДОШ ХАЛҚ БАЙРАМИ



29 октябрь куни Туркияда турк халқининг миллий байрами — Республика эълон қилинганининг 75 йиллиги нишонланди. Ушбу байрам тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Туркиянинг миллий байрами тўғрисида сўз борар экан, ушбу давлат асосчиси, истиқлол йўлидаги моҳир курашчи Мустафо Камол Отатурк номи ёдга тушади.

Байрам тантаналарига ташриф буюрган Президент Ислом Каримов дастлаб Отатуркка бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуини зиёрат қилди. Йигирмага яқин давлат раҳбарлари, қарийб етмиш мамлакатдан келган ҳукумат делегациялари вакиллари номидан Отатурк қабрига гул қўйиш маросимида иштирок этди. Қабр ёнида бир дақиқа сукут сақланди.

Президентимизнинг Туркияга сафари байрам тадбирлари билан чекланиб қолгани йўқ. Ислом Каримов ва Туркия Миллий байрами тантаналарининг бошқа иштирокчилари мамлакат парламентига ташриф буюрдилар. Бу ерда Каспий денгизи ва Марказий Осиё нефть ва газини жаҳон бозорига етказиб бериш тўғрисидаги Анқара декларацияси имзоланди. Ҳужжатга Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Туркия Президенти Сулаймон Демирэл, Туркия бош вазири Месут Йилмаз, Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе ва кузатувчи сифатида АҚШ Энергетика вазири Билл Ричардсон имзо чекдилар.

Мазкур ҳужжат иштирокчи давлатларда нефть ва газ захираларини ўрганиш, ўзлаштириш ва қазиб олиш ҳажмини ошириш, шунингдек, уларни иқтисодий ҳамда тижорий жиҳатдан асосланган ҳолда ётқизилган қувурлар орқали жаҳон бозорига етказиб беришни таъминлашга қаратилган. Президентлар углеводород хомашёсини экологик тоза усулда, мунтазам равишда ва эркин узатилишини назарда тутувчи Европа Энергетик Хартияси тамойилларига хайрихоҳлик билдирдилар.

Декларацияда Транскаспий ва Транскавказ нефт-газ тизимларини ўз ичига оладиган "Шарқ-Ғарб" энергетика йўлаги муҳим лойиҳа экани қайд этилган. Ҳужжатга имзо чекканлар унинг тижорий жиҳатдан мақбул ҳолда, адолатли тарзда ишлаб чиқилганини таъкидладилар.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг меҳмонлар Президент С. Демирэлни байрам билан қутладилар. Шу ернинг ўзида Туркия Буюк Миллат Мажлиси Раиси Ҳикмат Четин номидан тантана иштирокчилари шарафига қабул маросими уюштирилди.

Туркияга ташриф асносида Ислом Каримов байрам муносабати билан Анқара отчопарида ўтказилган тантанали ҳарбий парадда иштирок этди.

Шу билан Президент Ислом Каримовнинг Туркияга ташрифи ниҳоясига етди. 29 октябрь куни давлатимиз раҳбари Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида Президентимизни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент-Анқара-Тошкент.**

## ҲАМКОРЛИКНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАН

***Туркия халқининг миллий байрами — Республика эълон қилинганлигининг 75 йиллигига бағишланган тадбирлар вақтида Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев, Грузия Республикаси Президенти Эдуард Шеварднадзе, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг учрашуви бўлди.***

Учрашувда Анқара Декларацияси қабул қилинди. Декларация мазкур давлатларда нефть ва газ ресурсларини қидириш ва қазиб чиқаришда, шунингдек, бу ресурсларни кўп сонли қувурлардан фойдаланиб, халқаро бозорга ишончли тарзда етказиш борасида ҳамкорликни кенгайтиришни кўзда тутади.

Президентлар Каспий Денгизи минтақасидаги мамлакатлар ва қўшни давлатлар мустақиллиги ҳамда хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида шу мамлакатлар углеводород ресурсларини ўзлаштиришнинг муҳимлигини таъкидладилар. Шунингдек, уларнинг иқтисодий юксалиш ва халқлар фаровонлиги даражасини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш мақсадида, иқтисодий ва тижорий жиҳатдан асосланган кўп сонли қувурлар орқали нефть ва газ ресурслари ташилишини таъминлаш зарурлигини тасдиқладилар. Сўнгра Президентлар Европа Энергетик Хартияси қоидаларига содиқликларини тасдиқладилар, бу Хартия углеводород хомашёсининг эркин, барқарор, экологик жиҳатдан хавфсиз ва узлуксиз ташилишини кўзда тутади.

Президентлар углеводород хомашёси ишлаб чиқарувчи мамлакатлар хусусида тижорат жиҳатидан мақбул бўлган ва адолатли равишда, ҳеч бир томонни камситмайдиган асосларда барпо этилган Транскаспий ва Транскавказ нефть-газ тизимларини ўз ичига оладиган "Шарқ-Ғарб" транспорт йўлагини амалга ошириш Каспий денгизи минтақасида ва унга чегарадош мамлакатларда қазиб чиқарилган углеводород ресурсларини жаҳон бозорларига чиқариш ишида жуда муҳим лойиҳа эканлигини таъкидладилар.

Президентлар энергетика ресурсларини халқаро бозорларга етказиб бериш лойиҳаларини амалга оширишга жалб этилган хорижий ва маҳаллий сармоя эгаларини муҳофаза қилиш борасидаги мавжуд халқаро қоидаларга мувофиқ, "Шарқ-Ғарб" энергетика йўлини, шу жумладан, унинг "Боку-Тбилиси-Жейхан" қувури доирасида амалга ошириш учун барча зарур шарт-шароитни жуда тез муддатда барпо этишни ўз мамлакатларининг тегишли органларига топширишга тайёр эканликларини маълум қилдилар. Шунингдек, улар инвесторлар учун қулай шароит яратиш мақсадида, зарур чоралар кўриш хусусида бир фикрга келдилар.

АҚШ энергетика вазири Б. Ричардсон ҳам кузатувчи сифатида Декларацияга имзо чекди.

## ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ





Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан, 30 октябрь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Икки давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни давлатимиз раҳбари Ислом Каримов кутиб олди.

Шу куни Дўрмон қароргоҳида Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ҳар икки мамлакат Давлат мадҳиялари янгради.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг яккама-якка учрашуви бошланди. Ўзаро мулоқот чоғида томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини бундан ҳам кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Шунингдек, суҳбат чоғида минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро сиёсатдаги долзарб муаммолар ҳақида ҳам сўз борди.

Президентларнинг яккама-якка учрашуви кечаётган бир пайтда Дўрмон қароргоҳининг мажлислар залида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳукуматлари ўртасида жиноятчиликка қарши кураш, ишлаб чиқариш борасидаги ҳамкорлик, нефть ва газ қидириш, уларни қайта ишлаш соҳаларида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги билан Қозоғистон Таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида ўзаро ҳамкорлик, Тошкент шаҳри билан Остона шаҳри ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимларга ҳам имзо чекилди.

Қозоғистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонга расмий ташрифи давом этмоқда.

**(ЎзА)**

**СУРАТЛАРДА: расмий кутиб олиш маросими. А. ТЎРАЕВ олган сурат.**

## ИЛЛАТЛАРДАН ФОРИҒ БЎЛАЙЛИК

***Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик театрида Президентимизнинг тўй ва маросимларни ўтказишда йўл қўйилаётган дабдабабозлик, исрофгарчиликка оид куни кеча матбуотда эълон қилинган Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалар, жамғармалар вакиллари, олимлар, дин арбоблари, санъаткорлар қатнашди.***

Йиғилишни Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон халқ артисти З.Муҳаммаджонов, ёзувчилар Ў. Ҳошимов, П.Қодиров, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Абдураҳимова, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий А. Баҳромов, Республика "Маҳалла" жамғармаси раиси Ш.Жалилов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А. Орипов ва бошқалар сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони халқимиз кўнглидаги фикрларни ифодалаганини таъкидладилар.

Кейинги вақтда айрим юртдошларимиз томонидан тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказишда халқимизнинг азалий одат ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, қўни-қўшниларнинг аҳволини ҳисобга олмаслик каби иллатларга йўл қўйилаётган эди. Аксарият ҳолларда бунга айрим манманликка берилган, лавозимини суиистеъмол қилаётган раҳбарларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам сабаб бўлмоқда. Жамоатчиликда ҳақли эътирозлар туғдираётган бундай иллатларга қарши кескин курашмоқ керак. Йиғилишда қайд этилганидек, мазкур Фармонни ҳаётга кенг татбиқ этиш, миллий маънавиятимизни мустаҳкамлаш ёшларимиз тарбиясига ҳисса қўшадиган барча соҳа ходимларига катта масъулият юклайди.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев иштирок этди.

**(ЎзА)**

## ПОЙТАХТ ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

Тошкент шаҳар фаоллари ва жамоат ташкилотлари вакилларининг Президентимизнинг тўй ва маросимларни ўтказишда йўл қўйилаётган дабдабабозлик, исрофгарчиликка барҳам беришга оид Фармонидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимлари ва уларнинг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталарининг раислари, жамоат ташкилотлари, диний идора вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Сўзга чиққан маҳалла оқсоқоллари, жамоат ташкилотлари ва диний идора вакиллари Фармонда кўрсатиб ўтилганидек, айрим хонадонларда тўй-ҳашамлар, маърака ва маросимларни дабдабозлик билан ўтказиш, исрофгарчиликка йўл қўйиш ҳоллари содир бўлаётганини таъкидладилар. Бу, табиийки, халқимизнинг табиатига, дини, ота-боболаримиз урф-одатларига мутлақо зиддир. Йиғилишда ана шундай номаъқул ҳолатларга чек қўйиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди, уларнинг аниқ ижросини тўла таъминлаш барчанинг ҳам маънавий, ҳам маърифий бурчи эканлиги уқтириб ўтилди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов сўзга чиқди.

**(ЎзА)**

## ҚАТЪИЙ ЖАДВАЛ АСОСИДА

***Бекободдаги "Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида қора ҳамда рангли металлар парчалари ва чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссиясининг мажлиси бўлди.***

Унда Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, бирлашмалар ва қимматли хомашёни тайёрлаш билан банд бўлган бошқа ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Республика комиссияси раиси Исмоил Жўрабеков бошқарди.

Шу йилнинг тўққиз ойи натижаларига қараганда, иккиламчи хомашё тайёрлаш ва топширишнинг белгиланган жадвалига амал қилинмоқда, шу даврда 438 минг тоннадан ортиқ ёки кўзда тутилганига нисбатан 101,4 фоиз қора металл тайёрланганлиги таъкидланди. Рангли металлар бўйича эса бу кўрсаткич 97 фоиздан ҳам кам бўлди.

Ҳозир бекободлик металлургларнинг барқарор ишлаши учун яхши замин яратилди. Бу эса республиканинг қурилиш мажмуаси, кон-металлургия, цемент ва бошқа корхоналарига бир маромда маҳсулот етказиб беришни таъминлайди. Айни пайтда "Ўзметкомбинат"ни ривожлантириш, бу ерда амалга оширилаётган қайта қуриш, илгари четдан келтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун қулай шароит яратади. Фақат республиканинг кон-металлургия комбинатлари учун тош майдалайдиган золдир ишлаб чиқариш ҳисобидан 20 миллион АҚШ долларидан кўпроқ маблағ тежалмоқда. Аргон газини тайёрлаш участкасидаги ишлар, бутун металлургия ишлаб чиқаришини такомиллаштириш ишлари жадал суръат билан бормоқда. Бу ишга шу соҳа бўйича ишловчи жаҳоннинг етакчи фирмалари жалб этилган, янги асбоб-ускуналар сотиб олинмоқда, хуллас, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, халқ истеъмоли моллари турини кўпайтириш юзасидан собитқадамлик билан иш қилинмоқда.

Мажлисда иккиламчи металл хомашёни йиғиш ва топшириш ишларининг муваффақияти мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиш суръатига яхши таъсир кўрсатаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Шунинг учун ўз олдида турган вазифаларнинг муҳимлигини англамаган раҳбарлар қаттиқ танқид қилинди.

Мажлисда иккиламчи металл хомашё манбаларини қидириш, уни ташиш ва ушбу ишлаб чиқариш маданиятини ошириш ҳамда қора ва рангли металлар топширишнинг қабул қилинган жадвалига сўзсиз риоя этишга доир янада самарали чора-тадбирларни кўзда тутувчи тавсиялар ишлаб чиқилди.

**(ЎзА)**

МУНОСАБАТ

## МАЪНАВИЯТИМИЗГА ДОҒ ТУШМАСИН

Ватанимиз истиқлолининг еттинчи йилида яшаяпмиз. Шу йилларда мамлакатимиз қиёфаси қанчалик ўзгаргани бутун жаҳонга маълум ва машҳур бўлмоқда. Айниқса, маънавият соҳасида, миллий қадриятларни тиклаш борасида қилинган ишлар ҳақиқатан ҳам жаҳоншумул. Асрлар давомида турли сиёсий, ижтимоий, мафкуравий ниятлар билан беркитилган маънавий хазиналаримиз қайтадан очилди. Неча-неча буюк боболаримизнинг номлари тикланди. Улуғ алломалар имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг яқиндагина ўтказилган қутлуғ таваллуд тўйлари бунга ёрқин бир мисол.

Мамлакатимиз дунёвий давлат сифатида ривож топмоқда. Айни маҳалда халқимиз асрлар давомида ардоқлаб келаётган урф-одатлар, маънавий бойлигимиз, динимизнинг инсонпарварликка чорлайдиган аҳкомлари ўз қадрини топмоқда. Масалан, халқнинг урф-одатлари, ақидалари, анъаналарига асосланган буюк байрам Наврўз тикланди.

У истиқлол даврида давлат миқёсидаги халқ байрамига айланди.

Маънавиятни бундан буён мустаҳкамлаш учун ўзимизни жаҳон халқларининг бўй-бастига, дунёда қабул қилинган амалу қоидаларга, айни пайтда тарихий илдизларимизга мос равишда шакллантиришимиз лозим бўлади. Президентимиз Ислом Каримов куни кеча тўй-маъракалар ўтказишдаги меъёр, раҳбарлик шаъни ҳақида, ҳақиқатан ҳам халқнинг дилидаги фикрлар ифодаланган Фармон қабул қилди.

Яширишнинг ҳожати йўқ, баъзи тўйларда исрофгарчилик, ким ўзарга ўйнашлар сўнгги пайтда сезиларли даражада кўпайди. Бундай "мусобақа" ночорроқ қўни-қўшни, қариндош-уруғ, бева-бечораларни қийин аҳволга солиб қўйиши табиий. Иккинчидан, фарзандларимизнинг маънавий тарбиясига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Чунки, бой ёки камбағалликни англамайдиган бола қалбида бундай дабдабабозлик ўкинч, гумон ва шубҳалар туғдиради.

Масалани диний томондан олиб қарайдиган бўлсак, икки жиҳатини қайд этиш зарур. Пайғамбаримиз садақани аввал аҳлу аёлингга, яъни бола-чақангга, ота-онангга бер, деганлар. Улардан ортса, бошқаларга тарқатиш мумкин. Шундан келиб чиқиб айтиш лозимки, исрофгарчилик садақага кирмайди. Бу — оддий шуҳратпарастлик, ўзини ўзи кўз-кўз қилиш, қолоқлик, маънавий номукаммаллик белгиси. Пайғамбаримиз айтганларидек, яримта хурмо ҳам жаннатга йўл очадиган садақа бўлади.

Марҳумларнинг хотирасига ўтказиладиган маъракаларга азадордан кўнгил сўраш учун борилади, аслида. Кўзида ёши тўхтамаган бола-чақасининг ризқидан ёзилган дастурхоннинг марҳумга нафи йўқ. Асл урф-одатларимизга кўра, бундай маросимлар оилавий муҳитда ўтказилиши керак.

Президентимизнинг мазкур Фармони кимнингдир манфаати, ҳуқуқларини чекламайди. Аксинча, маънавий даражамизни йўлга соладиган, меъёр ҳиссини уйғотадиган, ҳушёрликка чорлайдиган ҳужжат. Бор дунёсини кўчага тўкиб ташлаган мақтанчоқ одам сахий ҳисобланмайди. Сахий — муҳтожга керак вақтда ёрдам берадиган инсон. Кўпгина тўй-маъракаларимизнинг бекалари аёлларимиздир. Баъзан шундай бўладики, тўй-ҳашамларнинг бошида аёллар туриб, кераксиз олди-берди ва бошқа исрофгарчиликларни кўпайтириб юборадилар. Ахир, дини Исломда ҳам мол-дунёни бундай бекорга исроф қилиш гуноҳи азим саналади.

Ўйлайманки, маҳалла фаоллари, дин уламолари, жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари аъзолари бу Фармон моҳиятини халқимизга етказишда жонбозлик кўрсатадилар. Айни маҳалда маънавият ходимлари, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар бу масалани кенг миқёсда тарғиб ва ташвиқ этишлари шарт. Зеро, бундай иллатлар халқимиз маънавий қиёфасига доғ туширади ва бунинг учун барчамиз бирдек жавобгармиз.

**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони.**
**(ЎзА)**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ




## АҲОЛИГА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАРНИНГ ЯНГИ — "ЭГАСИ ЁЗИЛМАЙДИГАН" ТУРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

**Ўзбекистон Миллий банки янги депозит турини ишлаб чикди. Бу—“Эгаси ёзилмайдиган” омонат. Унинг ҳозир амал қилиб турган валютадаги омонатлардан асосий фарқи— эгасининг номи ҳеч қаерда қайд этилмаслигидир.**

**Бундай ҳисобварақ очиш ва унда операциялар бажариш учун шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар кўрсатилиши талаб қилинмайди ва омонатга қўйилаётган валюта қаердан олингани сўралмайди.**

**Маблағларингиз “Эгаси ёзилмайдиган” омонатга қўйилиши уларнинг қонунийлашувини таъминлайди. Ишбилармонлар ва молия оламида энг нуфузли “The Banker” журнали берган баҳога кўра, жаҳондаги энг ишончли банклар орасида иккинчи ўринни эгаллаб турган ва сайёрамиздаги 50 та энг кўп фойда кўриб ишловчи банклардан бири саналувчи Ўзбекистон Миллий банки кафолат беради:**

- *омонатга қўйилган валюта маблағлари бекаму кўст сақланади;*
- *омонатга қўйилган валюта талаб қилинган заҳоти ҳисобварақдан чиқариб берилади;*
- *омонат шартларига кўра йиллига* **4,0%дан 6,75%гача** *ҳажмдаги тегишли фоизлар қўшилади ва хорижий валютада тўланади.*

**Ҳисобварақларингизда қанча маблағ борлиги ва улар билан қандай операциялар ўтказилгани банк сири ҳисобланади ҳамда бу маълумотлар ошкор этилмаслиги Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан кафолатланади.**

## МИЛЛИЙ БАНК—СИЗНИНГ БАНКИНГИЗ!

**Сиз Миллий банкнинг ўзингиз истаган бўлими ёки филиалида “Эгаси ёзилмайдиган” валюта омонати очишингиз мумкин. Қўшимча маълумот олишни истасангиз, Пул муомаласи бош бошқармасига 137-62-83, 137-62-81, 137-63-52 рақамли телефон орқали мурожаат қилинг.**

| № | Бўлим ва филиаллар номи | Почта манзили | Тел. №№ |
|---|---|---|---|
| | | **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ** | |
| 1. | Нукус бўлими | Нукус ш., Гарезсизлик кўчаси, 52-уй | 7-48-82, 7-86-39 |
| 2. | Қўнғирот филиали | Қўнғирот ш., Гарезсизлик кўчаси, 31-уй | 2-39-79 |
| 3. | Тўрткўл филиали | Тўрткўл ш., Тўрткўл кўчаси, 56-уй | 2-13-17, 2-16-19 |
| 4. | Хўжайли филиали | Хўжайли ш., Ломоносов кўчаси, 2-уй | 4-23-28, 4-47-64 |
| 5. | Чимбой филиали | Чимбой ш., Гагарин кўчаси, 24-уй | |
| 6. | Тахиатош филиали* | Тахиатош ш. | |
| | | **АНДИЖОН ВИЛОЯТИ** | |
| 7. | Андижон бўлими | Андижон ш., Навоий кўчаси, 39-уй | 4-38-40, 4-49-10 |
| 8. | Асака филиали | Асака ш., А.Темур кўчаси, 27-уй | 2-34-82 |
| 9. | Избоскан филиали | Пойтуғ ш., Ж.Сиддиқов кўчаси, 17-уй | 2-77-05 |
| 10. | Қўрғонтепа филиали | Қўрғонтепа ш., Шифокор кўчаси, 3-уй | 1-21-79, 1-17-82 |
| 11. | Марҳамат филиали * | Марҳамат ш., Ипак йўли кўчаси, 126-уй | |
| 12. | Пахтаобод филиали | Пахтаобод ш., | 1-17-87 |
| 13. | Хонобод филиали | Хонобод ш., Улуғбек кўчаси, 25-уй | 4-14-00, 4-10-63 |
| 14. | Шаҳрихон филиали | Шаҳрихон ш., Шаҳрихон шоҳкўчаси, 4-уй | 2-23-42 |
| | | **БУХОРО ВИЛОЯТИ** | |
| 15. | Бухоро бўлими Бухоро ш. | Муҳаммад Иқбол кўчаси, 3-уй | 3-69-73, 3-70-18 |
| 16. | Вобкент филиали* | Вобкент ш., Бобур кўчаси, 8-уй | |
| 17. | Ғиждувон филиали | Ғиждувон ш., Ёдгоров кўчаси, 45-уй | 2-45-51 |
| 18. | Когон филиали | Когон ш., | 2-27-80 |
| 19. | Қоракўл филиали | Қоракўл ш., Улуғбек кўчаси, 9-уй | 5-26-86 |
| 20. | Қоровулбозор филиали | Қоровулбозор ш., Воҳидов кўчаси 1-уй | |
| 21. | Ромитан филиали | Ромитан ш., Шафигулин кўчаси, 11-уй | |
| 22. | Шофиркон филиали | Шофиркон ш., Мустақиллик кўчаси, 7-уй | |
| | | **ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ** | |
| 23. | Жиззах бўлими | Жиззах ш., Ш.Рашидов кўчаси, 39-уй | 3-26-76, 3-56-83 |
| 24. | Мирзачўл филиали | Гагарин штп., Ўзбекистон кўчаси, 11-уй | 2-24-27 |
| 25. | Пахтакор филиали | Пахтакор штп., Ш.Рашидов кўчаси, 23-уй | 3-11-23 |
| | | **ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ** | |
| 26. | Қарши бўлими | Қарши ш., Ўзбекистон кўчаси, 219-уй | 4-49-21, 3-89-93 |
| 27. | Ғузор филиали | Ғузор ш., Ўзбекистон кўчаси, 14-уй | 2-15-25 |
| 28. | Муборак филиали | Муборак ш., Занжирсой кўчаси, 15/3 уй | 2-10-31, 2-12-92 |
| 29. | Шаҳрисабз филиали | Шаҳрисабз ш., Ипак йўли кўчаси, 100-уй | 4-24-08, 2-73-95 |
| 30. | Янгинишон филиали | Янгинишон пос., Толимаржон тошкўчаси, 2-уй | |
| | | **НАВОИЙ ВИЛОЯТИ** | |
| 31. | Навоий бўлими | Навоий ш., Ибн Сино кўчаси, 14- уй | 3-93-34, 3-49-65 |
| 32. | Зарафшон филиали | Зарафшон ш., 3-микротуман, А.Темур кўчаси, ДДУ корпуси | 4-31-62, 4-63-19 |
| 33. | Учқудуқ филиали | Учқудуқ ш., Амир Темур кўчаси, 45-уй | 48-00, 49-98 |
| 34. | Қизилтепа филиали | Қизилтепа пос. | |
| | | **НАМАНГАН ВИЛОЯТИ** | |
| 35. | Наманган бўлими | Наманган ш., Нозим Намангоний кўчаси, 10-уй | 6-50-30, 6-51-52 |
| 36. | Косонсой филиали | Косонсой ш., Маҳмудий Аъзам кўчаси, 1-уй | 2-20-86 |
| 37. | Поп филиали | Поп ш., Ҳакимов кўчаси, 1-уй | |
| 38. | Тўрақўрғон филиали | Тўрақўрғон ш., Тўрақўрғон кўчаси 3-уй | 2-27-67 |
| 39. | Уйчи филиали | Уйчи ш., Беруний кўчаси 32-уй | 2-18-43 |
| 40. | Учқўрғон филиали | Учқўрғон ш., Дўстлик кўчаси, 18-уй | 2-17-01, 2-15-01 |
| 41. | Чортоқ филиали * | Чортоқ ш., Мустақиллик шоҳкўчаси 6-уй | |
| 42. | Чуст филиали | Чуст ш., Чустий кўчаси, 23-уй | 3-11-82, 3-11-23 |
| | | **САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ** | |
| 43. | Самарқанд бўлими | Самарқанд ш., Фирдавсий кўчаси, 7-уй | 33-57-50, 31-23-21 |
| 44. | Булунғур филиали | Булунғур штп., Булунғур кўчаси, 25-уй | 33-41-17 |
| 45. | Жомбой филиали | Жомбой штп., Охунбобоев кўчаси, 10-уй | 33-65-09 |
| 46. | Каттақўрғон филиали | Каттақўрғон ш., Қорадарё кўчаси, 1-уй | 33-62-99, 33-62-98 |
| 47. | Нуробод филиали* | Нуробод ш., Мустақиллик кўчаси, 27-уй | |

| № | Бўлим ва филиаллар номи | Почта манзили | Тел. №№ |
|---|---|---|---|
| 48. | Пастдарғом филиали* | Жума пос., Самарқанд кўчаси, 87-уй | |
| 49. | Ургут филиали | Ургут ш., Навоий кўчаси, 176-уй | 33-62-97 |
| | | **СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ** | |
| 50. | Термиз бўлими | Термиз ш., Ат-Термизий кўчаси, 7а-уй | 4-59-66, 4-30-53 |
| 51. | Жарқўрғон филиали* | Жарқўрғон ш., Шифокор кўчаси 1-уй | |
| 52. | Денов филиали | Денов ш., Мустақиллик кўчаси, 47-уй | 9-47-28, 9-47-38 |
| 53. | Қумқўрғон филиали | Қумқўрғон штп., Ўзбекистон кўчаси 2-уй | |
| 54. | Сариосиё филиали* | Сариосиё ш., М.Улуғбек кўчаси, 8-уй | |
| 55. | Шеробод филиали | Шеробод ш., Алишер Навоий кўчаси, 20-уй | |
| | | **СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ** | |
| 56. | Сирдарё бўлими | Гулистон ш., Аҳмад Яссавий кўчаси, 48-уй | 25-20-88, 25-25-10 |
| 57. | Оқолтин филиали | Сардоба пос., Омонгелди кўчаси, 2-уй | 2-11-91, 2-15-74 |
| 58. | Янгиер филиали | Янгиер ш. Ш.Рашидов кўчаси, 17-уй | 72-40-42 |
| | | **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ** | |
| 59. | Тошкент вилоят бўлими | Тошкент ш., Тарас Шевченко кўчаси, 29-уй | 55-12-01, 54-89-09 |
| 60. | Олмалиқ филиали | Олмалиқ ш., Хўжаев кўчаси 6-уй | 5-36-31 |
| 61. | Ангрен филиали | Ангрен ш. Оҳангарон кўчаси, 1-уй | 3-05-79 |
| 62. | Бекобод филиали | Бекобод ш., 3-микротумани, 1-уй | 2-26-24 |
| 63. | Бўстонлиқ филиали* | Ғазалкент ш., Олтинсарин кўчаси 12-уй | |
| 64. | Чирчиқ филиали | Чирчиқ ш., Навоий кўчаси, 253-уй | 5-13-23, 5-14-23 |
| 65. | Тўйтепа филиали | Тўйтепа ш., Тошкент йўли кўчаси, 56-уй | |
| 66. | Янгийўл филиали | Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси 178-уй | |
| | | **ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ** | |
| 67. | Фарғона бўлими | Фарғона ш., А.Фарғоний кўчаси, 69-уй | 4-40-36, 4-59-81 |
| 68. | Бешариқ филиали | Бешариқ ш., Олтин водий кўчаси, 111-уй | 2-21-90 |
| 69. | Бувайда филиали | Янгиқўрғон пос., Ҳамза кўчаси, 4-уй | 9-17-55 |
| 70. | Водил филиали* | Водил туман маркази, Марғилон кўчаси 4-уй | 2-13-84, 2-19-07 |
| 71. | Қўқон филиали | Қўқон ш., Амир Темур кўчаси, 39-уй | 3-79-39, 3-79-16 |
| 72. | Қувасой филиали | Қувасой ш., Навоий кўчаси, 2-уй | 3-36-90, 3-28-62 |
| 73. | Қува филиали | Қува ш., Яссавий кўчаси, 55-уй | 5-16-95 |
| 74. | Марғилон | Марғилон ш., Тўралар кўчаси, 234-уй | 35-43-11, 35-43-07 |
| 75. | Риштон филиали | Риштон ш., Рашид Дони кўчаси, 253-уй | |
| | | **ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ** | |
| 76. | Урганч бўлими | Урганч ш., Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 150-уй | 6-26-44, 6-93-79 |
| 77. | Гурлан филиали | Гурлан ш., Маҳмуд кўчаси, 2-уй | 5-16-77 |
| 78. | Хонқа филиали | Хонқа ш., Ал Хоразмий кўчаси, 2-уй | |
| 79. | Ҳазорасп филиали | Ҳазорасп ш., Ғ.Ғулом кўчаси, 2-уй | 2-42-83, 2-42-82 |
| 80. | Хива филиали | Хива ш., Мустақиллик кўчаси, 12-уй | 3-62-37 |
| 81. | Шовот филиали | Шовот ш., Тошҳовуз кўчаси, 1-уй | |
| 82. | Янгиариқ филиали | Янгиариқ туман маркази, Мустақиллик кўчаси, 78-уй | |
| 83. | Дўстлик филиали | Питнак ш., Амир Темур кўчаси, 29-уй | |
| | | **ТОШКЕНТ ШАҲРИ** | |
| 84. | Тошкент шаҳар бўлими | Тошкент ш., Ғ.Ғулом кўчаси, 1-уй | 144-82-20, 144-82-05 |
| 85. | Акмал Икромов филиали | Фарҳод кўчаси, 54-уй | 74-08-93 |
| 86. | Бектемир филиали* | Ҳ. Бойқаро кўчаси, 15-уй | |
| 87. | Миробод филиали | Банокатий кўчаси, 165-уй | 93-08-35, 93-07-70 |
| 88. | Мирзо Улуғбек филиали | Пушкин кўчаси, 66-уй | 68-12-96, 68-02-42 |
| 89. | Собир Раҳимов филиали | Калонов кўчаси, 54-уй | 29-42-39 |
| 90. | Сирғали филиали | Сирғали, 6-уй | 51-68-67, 56-97-84 |
| 91. | Ҳамза филиали | Элбек кўчаси, 28-уй | 96-36-35 |
| 92. | Чилонзор филиали | Халқлар дўстлиги кўчаси, 28-уй | 76-36-91 |
| 93. | Шайхонтоҳур филиали | “Эски жўва” бозор майдони | 42-25-01 |
| 94. | Юнусобод филиали | Юнусобод мавзеси, 11-даҳа, 32-уй | 24-25-95, 24-38-28 |
| 95. | Яккасарой филиали | Бобур кўчаси, 85-уй | 50-96-53, 50-96-25 |
| 96. | Академия бўлими | Файзулло Хўжаев кўчаси, 31-уй | 162-44-43, 162-37-64 |
| 97. | Бош операция бўлими | Гоголь кўчаси, 95-уй | 133-68-07, 133-36-88 |

*Эслатма: * 1998 йилдан бошлаб мижозлар билан ишлашга киришадиган филиаллар белгиланган.*

LL@1040

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0413, 27353 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир — Қ. НОРҚОБИЛ.
Навбатчи — Н. МУСОМОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ф. УСМОНОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 23.00
1 2 3 4 5 6